

“БУҒДОЙ ПИШИҒИГА ЕТМАГАНЛАР” ҚИССАСИДА МУҲИТ ВА ИНСОН ПСИХОЛОГИЯСИ

Гулбахор Сафаровна Қурбонова

Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ўзбек адабиётида, хусусан, ўзбек насрида Иккинчи жаҳон уруши фронтлари воқеаларини ёритган асарлар талайгина. Жумладан, атоқли адиб Нурали Қобул ижодида ҳам шу мавзудаги асарлар мавжуд. Мазкур мақолада адибнинг “Буғдой пишиғига етмаганлар” қиссасига оид кузатишлар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: сарлавҳа, контраст, пейзаж, уруш, психология, бадиий талқин.

ENVIRONMENT AND HUMAN PSYCHOLOGY IN THE STORY “THOSE WHO DIDN’T REACH THE RIPENED WHEAT”

ABSTRACT

In Uzbek literature, especially in Uzbek prose, there are many works that cover the events of the Second World War front. In particular, the famous writer Nurali Kabul wrote works on this topic. This article deals with the author’s observations on the story “Those who didn’t reach the ripened wheat”.

Keywords: title, contrast, landscape, war, psychology, artistic interpretation.

КИРИШ

Адабиётшунос У.Ўлжабоев бадииятда уруш мавзуси ҳақида фикр юритиб, миллий адабиётимизда уруш даври ҳақиқати бор бўйи билан акс этган, урушнинг нафақат инсон жонига, балки унинг маънавиятига, ахлоқига, ишончу эътиқодига, ору номусига дахл қиладиган шафқатсиз қиёфаси катта маҳорат, чуқур бир инсоний дард билан бадиий талқин этилган асарлар борлигини, улар том маънода ўзбек ҳарбий прозасининг жиддий ютуқлари эканлигини эътироф этади. Жумладан, у шундай дейди: “...уларда олдингидек, айниқса, аксарият уруш кўрган ёзувчиларимиз асарларида учраганидек, урушни тантанавор тарзда, ғалаба марши садолари жўрлигида эмас, балки у қандай бўлса, шундайлигича – бор даҳшати, фожиаси, инсон бошига келтирган чексиз

мушибат ва кулфатлари билан кўрсатишга интилиш бор... Бадиий асарда тасвирланаётган ҳар бир даврнинг ўз такрорланмас руҳи, оҳанглари бўлишини яхши биламиз. Иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳаёт эса ўзининг ўтакетган шафқатсиз руҳи, фожиали оҳанглари билан ажралиб туради”, - дейди [1.269].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шу маънода ёзувчи Нурали Қобулнинг “Буғдой пишиғига етмаганлар” қиссаси ҳам ўзининг ўтакетган шафқатсиз руҳи ва фожиали оҳанги билан ўқувчи қалбини ларзага солади.

Ёзувчи томонидан муваффақиятли танланган сарлавҳа асар бадииятига алоҳида жозиба бағишлагани эътирофга лойиқ. Маълумки, ўзбек халқи некбин, умидли, тилидан шукронаси тушмайдиган халқ. Пишиқчиликда оғзи бирор бир неъматга текканда, минг шукроналар қилиб, Яратгандан келаси йил ҳам шу пайтларга эсон-омон етказишни дуо қилиб сўрайди. “Буғдой пишиғига етмаганлар” сарлавҳасидаги миллий руҳ, мазмунида англашилган фожеийлик билан тўқнашиб моҳиятан контрастлик ҳосил қилган. Айнан ана шу контрастликнинг ўзиёқ асарнинг биринчи жумласидаги “сукунат” образини моддийлаштиргандек гўё. Шу ўринда адабиётшунос олим А.Расуловнинг “Бадиий асарнинг номи – семнотик калит. Калит эса асар моҳияти, борлиғини белгиловчи концепциянинг аниқ, лўнда ифодаси... Жанр, сарлавҳа, концепция (тасвир предмети салмоғи) асарнинг илк семиотик марказида ярқираб кўзга ташланади. Илк семиотик марказ деганда аксарият ҳолларда биринчи мисра (сатр, жумла) тушунилади”, - деган гапини эслаш жоиз [2.52-53].

Дарҳақиқат, асарда акс этган ҳаёт манзаралари, муҳит қиёфаси, инсоний тақдирлар, давр зиддиятлари қиссанинг илк жумласидаёқ ярқ этиб кўзга ташланади. Маҳоратли адиб уста руҳшунос каби ўқувчи онгу шуурини аввал бошданок бутунлай забт этиш учун давр ва муҳит қиёфасини беришда пейзаж тасвиридан ўринли фойдаланган.

“Борлиқ оппоқ ва кўрқинчли сукунат оғушида. Ҳудудсиз кенгликлар, кўз илғайдиган неки бор, ҳаммаси оқ, оппоқ. Қисқа ва серташвиш кундузлар ҳам юракка ваҳм солувчи, ғоят чексиз туюладиган бу сукунатни бузолмас эди. Ойқорнинг бебош Тошоҳур шамолига кўкрак тутган, булутларга санчилиб турган чўққиларни ҳам қалин қор босди. Изғирин музликка айланган қояларни ялаб-юлқаб чийиллар, жарликлар тепасида қор қуюни ўйнади.

Ўн-ўн беш йиллар берисида Ойқорга бу қадар қалин қор тушмаганди...”
[3.3]. (Бундан кейин ушбу нашрдан олинган кўчирмаларнинг саҳифасини кўрсатувчи рақамлар қавс ичида берилди)]

Бир қарашда табиат тасвирига хизмат қилаётгандек, аслида муайян бир бадиий мақсад билан танланган сўзлар залвори совуқ уруш даври қиёфасини тўлдириш учун чизгигина эмас, балки улар асар қаҳрамони Анварнинг бола қалбида кечаётган руҳий талотумларнинг кўзгудаги аксидек, гўё.

“Кўрқинчли сукунат”, “қисқа ва серташвиш кундуз”, “ваҳм солувчи, чексиз сукунат”, “бебош Тошохур шамоли” (Сангзор воҳасида ғарбдан эсадиган шамол – аслида фашизм балоси ҳам ғарбдан келаётган эди), “булутларга санчилиб турган чўққилар”, “қояларни ялаб-юлқаб чийиллаган изғирин”. Зукко ўқувчи шу ўринда ёзувчининг “зоҳирда ботинни бера олиш” (Қозоқбой Йўлдошев) маҳоратини кашф этгандек бўлади. Пейзаж тасвиридаги ахборот қаҳрамони руҳият талқинига кўчади: “Олис-олислар Москвадан ҳам узокда уруш бўлаяпти. Одамлар бир-бирини ўлдиришаяпти. Ҳатто милтиқ учидаги найза билан ҳам бир-бировини ўлдиришаркан. Қандай ёмон. Отадиган милтиққа найзанинг нима кераги бор? Кўпроқ ўлдириш учунми? Нега одамлар бир-бирини ўлдиришади? Немис деганининг қорни тўқ, усти бут бўлса, нега бошқаларни ўз ҳолига қўймайди? ...опасининг айтишича, отаси урушга кетгунга қадар ҳатто товукнинг ҳам бошини кесмаган, қонни кўрса кўнгли беҳузур бўлиб, юзини тескари буриб оларкан. Энди эса, Эрали амаки айтгандек, бутун бошли одамларни ўлдириш керак. Ўлдирмасанг, сени ўлдиришади. Ҳарбу зарбнинг таомили шундай экан.” (5-бет)

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ёзувчи борлиқни оппоқ, аммо кўрқинчли сукунат оғушида, дея тасвирлар экан, сукунат сўзига алоҳида маъно юклайди. Назаримизда, бу сукунат уруш даври одамларининг журъати ва жасоратида, адолати ва шафқатида, виждони ва иймон-этиқолида кечаётган сукунат. Ёзувчи “Буғдой пишиғига етмаганлар”да фронт орти ҳаёти манзараларига мурожаат қилар экан, уруш даврининг шафқатсиз ҳақиқатларидан бирига – очарчилик ва у туфайли инсонлар аъмоли ва амалидаги эврилишлар, айнашлар, оғишлар туғдирган фожиалардан сўзлайди.

Уруш ёвузлик ва кулфатлар дояси. Ёзувчи “Буғдой пишиғига етмаганлар”да кичик бир Ўсват кишлоғи одамларининг уруш даври ҳаёти мисолида очарчилик балосининг сўнгсиз изтиробларини, ғаму ташвишларини

катта бир инсоний дард билан акс эттиради. Очарчилик эртақлардаги ёвуз дев каби йўлида учраган тирик жонни ўз домига тортади. Уларнинг ширин жонига чанг солар экан, инсоний ҳамиятларини топтайди, имон-этиқодларини қайта-қайта имтиҳон қилади, сабр-тоқатларини, қаноатларини синаб, одамийлик шаънларини оёқ ости қилади. Ёзувчи даврнинг шафқатсиз манзараларини 10 ёшли бола – Анвар руҳияти, унинг кўзи ва қалбидан ўтган фожеий тасвирларда беради.

Бир бурдадан нон, бир стакандан чой бериб, шу ўлмас овқат билан болаларни ушлаб турган мактабнинг ҳам қаттиқ совуқ туфайли ёпилиб қолганлигидан афсус чекаётган Анварнинг изтиробли ўйлари энди ўз хонадонларига кўчади: “Қишнинг эндигина бир оғи ўтди. Қолган-қутган егуликлар билан бир ҳафта, узок борса ўн кун чамаси тирикчилик қилиш мумкин. Анвар онасининг ғамгин нигоҳидан ана шу ўн кундан кейинги ташвиш ва таҳликани уқарди. Уйда нон ёпилмас, анча вақтдан бери хонадон тандирга юк бўладиган унни кўрмаганди. Арпа ун тандирга илашмасди ҳам. Ҳар тонг уйғонганда кенжа синглиси тушида кўп нон кўрганини айтади. – Нон? Қай гўрда? Қиз боланинг туши тескари келади. Буғдой пишиғига етмагунча эмин-эркин нон ейиш қайда? - ғамгин жавоб қилади Санам. - Бир амаллаб тут пишиғига етганимизда эди...” (8-бет).

“Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун” шиори остида иккинчи жаҳон уруши даврида фронт орти ҳаётида йўл қўйилган кўплаб адолатсизликлар, бешафқатликлар бадииятда ҳам ўз аксини топган. О.Ёқубовнинг “Эр бошига иш тушса”, Ў.Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси”, “Дунёнинг ишлари”, Н.Эшонкулнинг “Уруш одамлари”, Саломат Вафонинг “Элат” каби асарларида калтабин, худбин раҳбарларнинг фронт орти меҳнат жабҳаларида оддий халқ устида олиб борган ноинсоний сиёсатларининг оқибат натижаси жанг майдонларида юз бераётган хунрезликлардан моҳиятан фарқ қилмаганлиги ҳаққоний талқин этилган.

“Буғдой пишиғига етмаганлар” қиссасида ҳам уруш даври адолатсизликлари ўзининг яққол аксини топган.

Шу ўринда адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошевнинг фикрига эътибор қаратсак: “Миллий адабиётимизда алоҳида одам руҳиятининг турли қирралари теран тасвирланган анчагина асарлар бор ва бу йўлдаги изланишлар борган сари қатъий йўналиш касб этиб бормоқда. Лекин омманинг қиёфасини бера билиш ёки миллатнинг аъзолари маънавиятидаги энг ҳарактерли, энг

универсал, энг ёрқин чизгиларни топиш ва тасвир этиш тажрибаси камлиги бор гап” [4.13].

Шу маънода ёзувчи Нурали Қобулнинг ҳам омма қиёфасини яратишдаги маҳорати воқеалар ривожиди яққол кўринади. Ёзувчининг истеъдоди шунда кўринадикки, асарда Санам, Қўйсин хола, Эрали тегирмончи, Усмонали, Зухра хола, Аҳмад омборчи каби индивидуал образлар сюжет мантиғига мос, пишиқ яратилган, айна пайтда муаллиф, юқорида таъкидлагандек, омманинг қиёфаси, унинг характерли жиҳатларини ҳам бир неча ўринларда ёрқин акс эттира олган дейиш мумкин: “Шу йил ёзда Қўйсин хола отасидан мерос қолган каттакон ўригини кестирди. Бу ўрик шунчаки оддий мевали дарахт эмасди. Қишлоқ болаларининг дўсти ҳам эди. Уни кесишаётганда, болалар худди илон тажовуз қилган қалдирғоч полапонлардек дуч келган тарафга чошиб, чирқиллашди. Бироқ уларнинг ноласига ҳеч ким қулоқ солмади. Қўйсин холанинг ўзи ҳам бу ишга ичи эзилиб қўл урди. Ўрикни кестириш етти ухлаб тушигаям кирмаган эди. Мевали дарахти борларга ўтган ёзда қўшимча солиқ солишди. Қишлоқнинг бола-бақрасию ўтган-кетганлар нон ўрнида ейдиган зардоли учун солиқ тўлаш Қўйсин холага оғирлик қилди. Қиш олдидан кўзини чирт юмиб кестириб ташлади” (16-бет).

Кўрқоқлик, журъатсизлик ўша давр одамларининг психологиясига сингиб кетганини оч қолган болаларининг илтижосига чидолмай колхоз омборидан ғалла ўғирлаган Абдурахмон айикнинг кўпчилик олдида колхоз раиси ва унинг шотирлари томонидан уриб ўлдирилган ҳолатида ҳам кўриш мумкин. Бундай хунрезликка чидолмай бош кўтарган биргина инсон – Эрали тегирмончи шундай дейди: “ - Инсофини ит еганлар! – деди чопонининг этагини қоқиб. – Тўрт болани кўз олдимизда етим қилишди-я! Фронгда ўлаётганларнинг етимлари етмасмиди сен ноинсофларга! Кўзимиз ўлган кўйнинг кўзидек бўлиб биз қараб турдиг-а! Ҳайф одамгарчилик!...” (39-бет).

Қисса мутолааси давомида ёзувчи вазият, ҳолатларни давр руҳига, ҳаёт ҳақиқатига мос ярата олганига ишонч ҳосил қиласиз, одамлар онгидаги мутелик, кўрқоқлик психологияси илдизларини англаб етгандек бўласиз. Ўша давр одамларининг руҳиятида ҳали ҳам 37-йиллар қатағонининг фожиали айбловлари даҳшати ўрнашиб қолгани, бунинг устига уруш даврининг ўзига хос сиёсати ҳам уларни саросимага тушириб қўйгани сир эмас. Бундай ҳолатда шаҳарлик татар вакил, Аҳмад омборчи, Худойберган раис каби худо беҳабар раҳбарлар давлат номидан гапириб, истаганларича қора халқни эзиб, ҳузурланганлари асарда таъсирчан ифодасини топган.

Ҳам иш ҳақи учун бериладиган буғдойдан уриб қолиб, ҳам иш ҳақидан қирқиб қолаётганларини билишса ҳам асарда тасвирлангандек: “...ҳеч ким индамади. Фақат кечаю кундуз хирмонда ишлайдиган Ҳақберди полвон (бир ой ичида Ҳақберди амакининг иккита боласи очликдан ўлиб қолади - таъкид бизники-Г.Қ.) ўзини тутиб туролмади:

“ - Биз очдан ўлсак, келгуси йили фронтга ким ғалла етказиб беради? – деди у тумандан келган вакилнинг юзига тик қараб. – Фақат бер дейишни биласизлар, инсоф ҳам катта гап. Ўғри бўл, ғар бўл, эви билан бўл деган гап бор ахир...

- Сиз давлатга қарши гапиряпсиз, - жавоб қилди вакилнинг жаҳли чиқиб. – Бу сўзларингиз учун жавоб берасиз.

- Мен давлатга эмас, сенга ўхшаган салла деса каллани оладиганларга қаршиман! – деди баттар қизишиб Ҳақберди чол.

Вакил у билан гаплашишга ҳазар қилгандек бурнини жийриб, нари кетди. Орадан икки кун ўтгач, милиционерлар Ҳақберди амакини олиб кетишди. Сибирга, меҳнат батальонига юборишар экан... Одамлар у киши ҳақида гаплашишга ҳам чўчишарди. Ҳақберди ҳақида гаплашганларни ҳам ҳибсга олишаркан. Суҳбатга унинг номи ораласа, одамлар аста-секин тарқала бошлайдиган ёки гапни бошқа мавзуга буришадиган бўлишди”.

Икки ўғли урушга кетиб, бирисидан қора хат олган, аёли ётиғлик касал, болалари очликдан бирин-кетин қирилаётган Ҳақберди полвоннинг адолат талаб қилгани туфайли бошига тушганлари ҳатто озми-кўпми қонунни биладиган, хатли-саводли Амиркул муаллимга ўхшаганларни ҳам қимирлатолмади. Унинг бор-йўғи топган гапи: “Совуқ уриб ўлмаса, у ерда очдан ўлмас-ов”, - дегани бўлди.

Қиссанинг ана шу ўринлари ўқувчи қалбини ларзага солади. Чунки бу тасвирларда кўрқув, хиёнат, шафқатсизлик илдиз отганда миллат руҳиятида кечаётган таназул, хўрлик ва хорлик яхши очилган. Айниқса, қисса қаҳрамони Санам тарафидан айтилган қуйидаги гаплар ўз ҳамқишлоқларининг амали ва аъмолига берилган ҳақли баҳо эди: “- Тавба,- дея жиғибийрон бўларди Санам. – Одамлар бунча ҳам бечорд бўлишмаса, мунча ҳам соясидан кўрқишмаса? Ҳатто Ҳақберди бечоранинг очликдан ўлаётган болаларининг оғзига сув томизишга ҳам чўчишади. Тавба, бу дунёда одамнинг одамдан катта ёви йўқ экан-а?” (14-бет).

Ёзувчи очлик исканжасида қолган уруш одамлари қиёфасини ҳам таъсирчан кўрсата олган: “Кўзлари ичига тортилиб, ҳомиладор ўроқчи

жувонлардек озиб кетган Каромат ўзини чалғитиш учун уззукун майда-чуйда ташвишлар билан овора, кўз ёшларини ичига ютарди”, - дея Анвар кўзи билан опасининг оч-наҳор қиёфаси кузатилса, сўнгги бурда нонни, бир ялам аталани бўлсада болаларим есин, дея фарзандлари учун жон чекаётган: “Онасининг эса юзлари сўлғин тортиб, кундан кун қоқсуякка айланиб борарди. Дафъатан қараган кишининг кўзи аёлнинг туртиб чиққан чакка суякларига ва икки чаккасидан оқараётган сочига тушарди. Ранги ўнгиб кетган камзули эгнида халвираб турар, аёлнинг бор сахти-сумбати икки елкасидан иборат эди,” - дея тасвирланади.

Анварнинг опасининг айтишича, ҳадемай тут пишиғи келади, сўнгра арпа, сал ўтмай буғдой пишади, бу орада тоғдан қорлар кетади. Афсуски, бу сафарги буғдой пишиғига қишлоқ аҳолиси катта талофат, катта йўқотишлар билан чиқади.

ХУЛОСА

Бу каби уруш туфайли содир бўлаётган воқеалар, одам боласи бошига тушган балолар, фожиаларни санасак адо бўлмайди. “Буғдой пишиғига етмаганлар” қиссаси орқали Нурали Қобул урушнинг ана шундай совуқ балолари – бева қолган аёллар, етим бўлган фарзандлар, болалик бахтини туёлмай улғайиб қолган гўдаклар, бир дона ловлаги учун бир-бирининг оғзи бурнини қон қилиб муштлашган ўртоқлар, очлик балосидан азоб чекаётган аҳоли, қутуриб ўлган хўкизнинг, ҳаром ўлган қўйнинг гўштини еган одамлар, оила боши – эркагининг ўлиmidан сўнг болаларининг қорнини тўйғазиш учун мушук сўймоқчи бўлган бевалар, ерсовунни андиз деб еб, шишиб ўлган одамларнинг аччиқ қисмати таъсирчан ифодаланган. Энг асосийси, Нурали Қобулнинг “Буғдой пишиғига етмаганлар” қиссаси ҳам китобхонга урушда ғолиблар бўлмаслигини мудом эслатиб турадиган катта бир инсоний дарднинг ифодаси ўлароқ юзага келган асар.

REFERENCES

1. Ўлжабоев У. Замон талаби ва ижодкор масъулияти. -Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2012.
2. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. -Т.: “Шарқ”, 2014.
3. Қобул Н. Бўри ови. -Т.: “Ижод-Пресс”, 2017.
4. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2006.

5. Botirova Sh.I. (2020). FORMING PATRIOTIC SPIRIT WITHIN PEDAGOGICAL EDUCATION CLUSTER. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8(10), 200-205.
6. Avlaev, O., & Maripov, E. (2020). The problem of emotional situations like childhood, anxiety and fear. *SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR)*, 9(3), 24-28.
7. Ботирова Ш.И. (2020). Проблемные аспекты, связанные с применением педагогических технологии и интерактивных методов на уроках. "Science and Education" *Scientific Journal*, 1(7), 465-472.
8. Botirova Sh.I. (2018). The Role of Artistic Literature In The Spiritual Development of Youth. *Мировая наука*, 5(14), 26-28.
9. Авлаев, О., & Жўраева, С. (2019). “Бахтни белгилашда адаптация даражасининг нисбийлиги”. “ПСИХОЛОГИЯ” *илмий журнал*, 4, 121-128.
10. Ботирова Ш.И. (2020). Инсон ва ҳаёт воқелигини метафорик уйғунлаштиришда бадий психологизмнинг ўрни. *Сўз санъати*, 2(3), 19-23.
11. Ботирова Ш.И. (2020). Бадий психологизм критерийлари ва замонавий ўзбек романчилиги. *Tafakkur ziyosi*, 2(2), 146-148.
12. Botirova Sh.I. (2018). Methodology And Technology of Social And Pedagogical Activity. *Теория и практика современной науки*, 1(31), 14-16.